


## Шартнома (хорижий) маълумотларини бошқариш

## Шартнома (хорижий) маълумотларини яратиш

Шартнома (хорижий) маълумотларини яратиш тизимнинг **Moliyaviy faoliyat / Shartnoma (xorijiy)** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




1-расм. Шартнома (хорижий) ойнаси

+**Yaratish** тугмасини танлаш орқали шартнома (хорижий) маълумотларини яратиш ойнасига ўтинг (2-расм) ва шартнома (хорижий) маълумотларини қуйидагича шакллантиринг:


- **Fakultet** майдонидан факультетни танланг;
- **Mutaxassislik** майдонидан мутахассисликни танланг;
- **Ta'lim shakli** майдонидан таълим шаклини танланг;
- **Valyuta** майдонидан валюта турини танланг;
- **Shartnoma bazaviy summasi** майдонига шартнома (хорижий) суммасини киритинг.

**Saqlash** тугмасини танлаш орқали маълумотларни сақланг (2-расм).



2-расмда. Шартнома (хорижий) маълумотлари

Яратилган шартномаларни (хорижий) кўриш тизимнинг **Moliyaviy faoliyat / Shartnoma (xorijiy)** менюси орқали амалга оширилади (3-расм).



3-расм. Шартномалар (хорижий) рўйхати

Юқорида кўрсатилган кетма-кетлик асосида факультет кесимида мутахассисликларнинг шартномалар (хорижий) қийматини шакллантириб олинг.

### **Шартнома (хорижий) маълумотларини таҳрирлаш**

Шартнома (хорижий) маълумотларини таҳрирлаш учун тизимнинг **Moliyaviy faoliyat / Shartnoma (xorijiy)** менюсини танлаш орқали шартномалар (хорижий) рўйхатига ўтинг (3-расм). Рўйхатдан мутахассисликни танлаш орқали шартнома (хорижий) маълумотларини таҳрирлаш ойнасига ўтинг (2-расм). Таҳрирлаш ойнасидан бирор бир таҳрирлашни амалга оширинг ва **Saqlash** тугмасини танланг.

### **Шартнома (хорижий) маълумотларини ўчириш**

Шартнома (хорижий) маълумотларини ўчириш учун таҳрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмасини танланг (2-расм).

**Муҳим!** Агар тизимда шартнома (хорижий) маълумотларига боғланган маълумотлар шаклланган бўлса у холда тизим шартнома (хорижий) маълумотларини ўчиришга рухсат бермайди.